

Маънавият

Фарзанд Яратганинг улуг неъматиди. Хар бир оиланинг қувончи, хуш ниятларининг чироғи, умидининг устуни. Шунинг унутмаслик керакки, фарзанд билан бирга тарбия ташвиши туғилади. Бу- гунги тарбияни эртага қўйган одам, демек келажигини қоронғу кўрибди. Азал-азалдан ота-боболаримиз тарбияни таълимдан, таълимни тарбиядан ажратмаган. Тарбия – турмуш ташвишлари га дастуру. Таълим – ақлу тафаккурнинг шам- чироғи. Ақлдан шамшир тутган инсон тошни тафаккур тўғида кесади. Илм – бу ўзингни

ҳақида ўзимизда ҳам, чет элларда ҳам кўп ва хўб гапирилмоқда. Қолаверса, Ўзбекистоннинг бу таъри- басидан кўплаб ривож- ланган давлатлар ҳам сабоқ олмақда. Аммо, ташвишимизга сабаб – мажбурий таъ- лимнинг иккинчи босқичи ҳамма касб-хунар коллеж- ларида ҳам қўрилган на-

тага ортага қайтариб бўл- майди. Ота-онанинг имкония- ти, бойлиги фарзандлар учун бир умр ҳимоя воси- таси бўлмайди. Йиллар ўтиб, ўз кунини ўзига қол- ганида умрини забунлик- да, хорликда ўтказиши аён. Ўз меҳнати, ўз хуна- ри, ўз илму ҳикмати бил- лан кун кўраётган одам-

лежларидаги ўқитувчилар юриш-туриш, кийиниш маданияти билан ўз ўқу- чиларига ўрнак бўлиш ўрнига, акс таъсир кўра- таяптилар. Ҳатто арзима- мларга маблагъ эвазига дар- саларга мунтазам катнаш- майдиган ўқувчини "бор" қилиб кўрсатадиган, виж- донини пуллаётганлар- нинг мавжудлиги ачинар-

кимиз қадимдан амал қилади. Афсуски, эрта никоҳ, вояга етмаган қиз- ларнинг ҳомилдор бўлиб қолиши, гиёҳвандлик ва бошқа ножоиз хатти-ҳара- катларни содир этилаёт- гани кишини ўйга толди- ради.

Биз мақоламизда қайд этган айрим мисоллар ҳаводан олингани йўқ. Қуни кеча Бўстонлик ҳам- да Окқўрғон туманларида амалий семинар ташкил этилди. У кўргазмалли во- ситалар асосида, баҳс- мунозараларга бой ҳолат- да ўтди.

Шунинг таъкидлаш ўрин- лики, бундай амалий се- минарлар вилоятимизда, шаҳар ва туманларимизда илк бор ўтаётгани йўқ. Аммо, "Бу семинарлардан қўрилган мақсадга эриши- лаяптими?" деган савол бизни ўйга толдиради. Афсуски, мақтанишга, кўракка уришга ҳали эрта.

Таълим-тарбия бу уз- лусиз жараён. Оила, ма- ҳалла, ўқув маканлари, ички ишлар бўлимлари, кенг жамоатчилик ўртаси- да мунтазам ҳамкорлик таълим-тарбиянинг таъ- сирчанлигини оширишда бош омил ҳисобланади.

Инсонни, айниқса ёш- ларни орзу йўлга бош- лайди. Ушалган орзулар кўксини тоғдек ўйтарса, армонлар бироз ўйга тол- диради. Ёш қалбада гу- мон, хавотир бўй кўра- тади. Ана шундай дам- ларда устозларнинг, ота- онанинг, ҳаёт кўрганлар- нинг бир оғиз далласи, ширин сўзи, хуш даъва- ти йўл бошида турган ўғил-қизни курашга чо- рлайди. Қалбда муҳаббат юз очади. Фақат ана шу муҳаббатнинг либоси ҳаё эканини, поклик, софлик, ҳалолликдан яралган қул- ба ҳам муҳаббат сохиби- га қасрдан аъло кўрини- шини унутмаслик зарур.

Ниятимиз, ёшларимиз- нинг бўйи-бастиди ҳаё- дан тикилган муҳаббат либоси ҳамиша нур сочиб турсин.

Маҳмуд ТОИРОВ, Ўзбекистон халқ шоири.

Семинар



БАРЧАНИНГ КўНГЛИДАГИ ГАП БўЛДИ

– Бола тарбияси аввало оилдан бошланади, – деди вилот ҳокими ўрин- босари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Лекин, тарбияга бевосита алоқадор маҳалла, мактаб, коллеж, лицейлардаги муҳитнинг таъсири ҳам жуда катта.

Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоиров, вилот прокуратура- си катта ёрдамчиси Ло- бар Замитова, вилот психологлар уюшмаси раҳбари Шоира Исоқова- нинг ўқитувчи ва ўқувчи- лар, ёшларнинг кийиниш маданияти, миллий қад- риятларимизга бўлган муносабати, никоҳ ёши тўғрисидаги Қонун мо- хияти ҳақидаги маъруза- лари тадбир иштирокчи- ларида катта қизиқиш уй- готди. Нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар учун ҳам махсус форма жорий этиш ҳақидаги фикрлар ўртага ташланди.

Бу борада оққўрғонлик коллеж ўқувчилари намо- иш этган либослар за- монавийлиги, хушбичми- лиги билан барчага маъ- қул бўлганлигини таъкид- лаш жоиз.

Қизгин баҳс-мунозара- га бой амалий семинар барчанинг кўнглидаги му- лоҳазани дилдаги гаплари- ни ифодалади.

Хулоса шуки, давлат сиёсати даражасида қара- лётган ёшлар тарбияси- га ҳеч қим бифарқ эмас. Фақат, маънавиятни юк- салтириш учун барча бир- дек ҳаракат қилиши зарур.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вази- рининг ўринбосари, Хо- тин-қизлар кўмитаси ра- иси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА, Даврон АҲМАД олган суратлар.

Кўрик

ОРАСТА ҚИЗЛАР ДАВРАСИ



бошчилигида ўтказилаёт- ган қатор чора-тадбирлар- дан бири – "Маҳалланинг энг ораста қизлари" деб номланди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасидаги сазй-ҳара- катларда вилот хотин-қиз- лар кўмитасининг ҳиссаси ҳам салмоқли бўлмоқда.

Олмалиқ шаҳрида вилот хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ЁИХ, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бош- қармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Ораста қизлар давраси" кўрик-танловиди 18 та шаҳар, туман маҳал- лаларидан келган оқила, ораста қизлар иштирок этди.

Мақсад – маҳалла қизларини жамиятдаги тур- ли ҳолатларга, бугунги дол- сизликка эришилди. Дастур- га киритилган корхоналар 1 миллион 66 минг долларлик маҳсулотни четга экспорт қилди.

Жумладан, "НИ-ТЕСН КАВЕЛ" қўшма корхонаси томонидан 1 миллион 58 минг долларлик кабель маъ-

зури муаммоларга бўлган муносабатини шаклланти- риш, умуминсоний ва мил- лий қадриятлар, юксак одоб-ахлоқ таъминлаш асосида тарбиялаш.

Иштирокчилар танлов шартлари бўйича ўз чи- қишларида мана шу жи- хатларни тўлақонли ёри- тишга ҳаракат қилишди. Демак, вилотимиз қизла- ри зукко, доно, ораста, оқила деган сифатларга муносиб. Бунга оилалар, маҳалла, мактаб, коллеж- ларда муносиб маънавий муҳит яратилган. Шундай қилиб, танлов якунларига кўра, Юқори Чирчиқнинг "Ўзбегим ой қизлари" жа- моаси ўз ҳаё-ибоси, хуш- бичим, замонавий услуб- да тикилган миллий ли- бослари, мазмунли чиқиш- лари билан биринчи, Зан- гиотанинг "Нигох" жамоа- си иккинчи, Чирчиқ шаҳ-

зарб муаммоларга бўлган муносабатини шаклланти- риш, умуминсоний ва мил- лий қадриятлар, юксак одоб-ахлоқ таъминлаш асосида тарбиялаш.

Иштирокчилар танлов шартлари бўйича ўз чи- қишларида мана шу жи- хатларни тўлақонли ёри- тишга ҳаракат қилишди. Демак, вилотимиз қизла- ри зукко, доно, ораста, оқила деган сифатларга муносиб. Бунга оилалар, маҳалла, мактаб, коллеж- ларда муносиб маънавий муҳит яратилган. Шундай қилиб, танлов якунларига кўра, Юқори Чирчиқнинг "Ўзбегим ой қизлари" жа- моаси ўз ҳаё-ибоси, хуш- бичим, замонавий услуб- да тикилган миллий ли- бослари, мазмунли чиқиш- лари билан биринчи, Зан- гиотанинг "Нигох" жамоа- си иккинчи, Чирчиқ шаҳ-

рининг "Нафосат гунчалари" жамоаси эса учинчи ўринга муносиб кўрилди. Олмалиқнинг "Нафосат соҳибалари"га "Энг зукко жамоа", "Паркент зебола- ри"га "Энг фаол жамоа", Чинознинг "Бибиноним қизлари"га "Энг ахил жа- моа" дея таъриф берил- ди. Совгалару дипломлар барча қатнашчиларни, голибларни хушхад этди.

Аммо, бундай эъти- рофнинг яна бир жиҳати бор. Энди улар "Маҳал- ланинг энг ораста қизла- ри" кўрик-танловининг Республика форумида вилотимиз шаънини муно- сиб ҳимоя қилишлари керак. Уларнинг "Ўзбек оиласида ота-она ва фар- занд ўртасидаги муомала маданияти" мавзусидаги чиқишлари бесамав кет- маслиги шубҳасиз. Тан- ловда иштирок этиб, ораста қизларга оқ йўл тиланган вилот ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева уларнинг икти- дори, ақл-идроки, фахм- фаросати, одамийлик, инсонийлик фазилатлари ҳақида сўзлар экан, бар- ча томошабинлар, ота- оналар номидан голиб- ларга қатъий ишонч бил- дирди.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

МУҲАББАТНИНГ ЛИБОСИ ҲАЁ

тижани бермаяпти. Ачинари томони шун- даки, мажбурий таъ- лимнинг ўз қонун- қоидалари, талаб ва дастурлари борлиги- ни айрим ота-оналар, унутиб қўймоқдалар. Касб-хунар коллежла- рига келган ўғил-қиз- ларимиз шунинг бил- ши- лари зарурки, улар талаба эмас – ўқувчи.

Ўқувчиларини унутиб қўйиш аввало уларнинг ўқув даргоҳи формаси- га амал қилмасликла- рида, ким нимани хоҳ- ласа шу кийимда касб- хунар коллежга кели- шида намоён бўлмоқ- да. Ўқувчи-қизларимиз- даги ортиқча зеб-зий- натлар, тақинчоқлар, шарқона одобга хилоф, калта-култа кийимлар... Айрим ўғил болаларни ҳеч тортинмасдан шўрттик, шиппақда келиши мутлақо одоб доирасига сифмайди.



Шу боис айрим касб- хунар коллежларидаги каби тарбияга панжа ора- сидан қарамаклик керак. Бу иш бир кунлик йиғи- лиш, бир ҳафталик талаб билан амалга оширила- диган юмуш эмас. Аксин- ча, хар кунини, хар соат мун- тазам шугулланишни, уз- лусиз куюнчалликни, фи- дойиликни тақозо этади.

Халқимиз тилида: "Кун уясида кўрганини қила- ди", деган ибора бор. Ачинари томони шунда- ки, айрим касб-хунар кол-

деб айюханнос солинади. Ортадаги оғиз олдига олиб ўтиш, қолган юзлаб ўқувчилар қалбларида ҳам ҳавасу хайрат уйғотишга бепарволик билан қарай- миз.

Агар ўтган йили Тош- кент вилотига 400 га яқин вояга етмаганлар то- монидан турли жинойт- ларга йўл қўйилган бўлса, мазкур йилнинг ўтган 5 ойида 146 та жинойт со- дир этилди. Бу ҳар би- римиздан улкан масъули- ят, жиддий эътибор та- лаб қилади. Зеро, "бир болага етти кўшни ота- она", деган ақидага хал-

ларнинг ҳамиша юзлари ёруғ, кўнгиллари хотир- жам. Шу боис айрим касб- хунар коллежларидаги каби тарбияга панжа ора- сидан қарамаклик керак. Бу иш бир кунлик йиғи- лиш, бир ҳафталик талаб билан амалга оширила- диган юмуш эмас. Аксин- ча, хар кунини, хар соат мун- тазам шугулланишни, уз- лусиз куюнчалликни, фи- дойиликни тақозо этади.

Халқимиз тилида: "Кун уясида кўрганини қила- ди", деган ибора бор. Ачинари томони шунда- ки, айрим касб-хунар кол-

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ



Пискент туманидаги 30-бағалар мусиқа ва санъат мактабиди шу мавзуга бағишланган дав- ра суҳбати бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, хо- тин-қизлар кўмитаси, ИИБ, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, "Маҳалла", "Қамолот" ЁИХ ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мусиқа мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари, ота-оналар, маҳаллалар фаоллари иштирок этди.

нимагадир қизиқтириш, эътиборини жалб этиш учун биз катталар, ўқитув- чилар, ота-оналар ҳам тимимиз ўқиб-излани- шимиз, бугунгидек суҳ- батларда мутахассислар маслаҳати, фикр-мулоҳа- заларини эшитиб, ўрга- нишимиз керак. Шу маъ- нода, ўқувчиларнинг ўзла- ри ҳам иштирок этган саҳна кўринишлари, гиёҳ- вандликнинг зарарли оқибатлари ҳақидаги маърузалар иштирокчи- ларга қизиқиш уйғотган- ни шубҳасиз.

– Эртанги кун эгалари – ёшлар тарбиясига ҳар биримиз масъулмиз, – дейди тадбир ташкилот- чиси, мусиқа мактаби кутубхоначиси Зилола Маҳ- мудова. – Оила – маҳал- ла – мактаб ҳамкорлиги бу жараёнда энг зарур омил. Ҳозирги ёшларни

Санда ИКРОМОВА, Ёркебой БОТИРОВ олган сурат.

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

айниқса қизларда жи- соний тарбия ва спорт- га меҳрни уйғотиш, соғ- лом турмуш тарзини тарғиб этиш" мавзуи- даги учинчи танлов 14 та йўналишда бўлиб ўтади.

муҳим йўналишдан иборат. Бешинчи танлов эса "Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларнинг ободлиги- ни таъминлаш ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш масалала- рида ННТлар ва аҳоли- нинг фаоллигини оши- риш" мавзусида бўлиб, унга 800 миллион сўм маб- лағ йўналтирилган.

Шунингдек, Жамоат фонди мазкур танлов- ларни сифатли ташкил қилиш мақсадида "ННТ- лар ва фуқаролик жамия- тини қўллаб-қувватлаш- нинг 2014 йилдаги усту- вур йўналишлари" мав- зуида туркум семинар- лар ўтказишни режалаш- тирди.

Аваз БЕКОВ.

Бука туманидаги бош пила хона раҳбари Матлуба Мусаева ҳеч тиниб-тинчмайди. Режа топшириқлари, кундалик юмушлардан ортиб, иссиқ-хона ташкил этишга ҳам улгурган.



ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

Ҳозир 10 сотих жойда помидор, бодиринг, булғори қалампир, кўкатлар экилган. Етиштирилган сабзавотлардан ичишлар учун иссиқ таомлар тайёрланапти. Ортгани бозорга чиқарилади.

– Ҳисоблаб кўрсак, булғори қалампирини 1,5 миллион сўм даромад қилиб- миз.

СУРАТДА: Матлуба Мусаева ҳосил чўғидан мамнун. Феруза ТўРАЕВА, Ёркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Республика Президентининг 2014 йил 4 февралдаги "2014-2016 йилларда маҳаллий хом ашё неғизда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарори импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уни маҳаллийлаштириш жараёнини янги си-

фат босқичига кўтарди. Дастурий ҳуж- жат мамлакатимиз, қолаверса вилотимиз учун янги бўлган юқори техно- логияли саноат корхоналарини таш- кил этиш ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ички бозорни импорт ўрнини босадиган арзон ва сифатли товарлар билан тўлдириш имконини бераётди.

Вилотимизда маҳаллий- лаштириш дастури асосида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқларда саноатни ривожлантириш, аҳоли бан- длигини ошириш юзасидан қатор ишлар амалга оширил- моқда. Тайёр маҳсулотлар- ни маҳаллийлаштириш дара- жасининг орттиши иқтисоди- ётти янада жадал ва барқа- рор ривожлантириш, унга ташқи омиллар таъсирини камайтириш, янги ва самар- ларли технологияларни жорий этишда муҳим аҳамият- га эга. Бу, ўз навбатида, маҳаллий хом ашё ва ре- сурслардан кенг фойдалани- ш, шу асосда замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайти- риш, бўш иш ўринлари яра- тишга ёрдам беради.

– Жаҳон молиявий-иқти- содий инқирози давом эта-

дий корхона томонидан 44 та лойиҳа бўйича 69,3 мил- лиард сўмлик маҳсулот иш- лаб чиқариш режалаштирил- ган. Шу йилнинг биринчи чо- рагида дастурда белгиланган прогноз кўрсаткичлари 15,3 миллиард сўмга ёки 131,4 фоизга бажарилди.

Дастур доирасида вилотда иссиқлик қозонлари, хар хил турдаги насослар, транс- форматорлар, тақсимлаш ку- рилмалари, нимстанциялар, совуқ ва иссиқ сув учун по- липропилен фитинглар, ка- беллар, пластик панеллар, дори воситалари, кир ювиш қуқунлари, болалар ўйинчоқ- лари ишлаб чиқарилган бўлиб, жами 3,4 миллион АҚШ долларини иқтисод

сулотлари ҳамда "Mak plast biznes" МЧЖ томонидан 8 минг долларлик ўйинчоқлар хорижий харидорларга жўнатилди.

Шунингдек, дастур доира- сида корхоналар 766 милли- он сўм солиқ ва 299 милли- он сўм божхона тўловлари- дан имтиёзга эга бўлишди. Бу маблағларнинг 28,5 фоиз- и корхонада ишлаб чиқари- шни модернизация қилиш ва кенгайтириш, 0,3 фоизи сифатни бошқариш тизими- ни жорий этиш, 58,1 фоизи хом ашё ва материаллар сотиб олиш, 0,9 фоизи му- ҳандис-техник ходимларни рағбатлантириш каби мақсад- ларга сарфланди. Мисол учун, Олмалиқ шаҳридаги

солиқ ва 260 миллион сўм божхона тўловларидан имти- ёзларга эга бўлди.

– Маҳсулотларимиз хо- риждан валюта ҳисобига олиб келинадиган шу турда- ги полипропиленга нисбатан сифатли ва арзон, – дейди корхона раҳбари Рашидхон Орипов. – Шунинг учун буюр- тмалар тобора кўпайиб бораётди.

Юқори Чирчиқдаги "Бест Пласт" корхонасининг бўял- ган ва гул қоғозли ПВХ пла- стик панеллари, Чирчиқ шаҳ- ридаги "Elstan" корхонасининг электр трансформатор- лари, "OBER STAR PLAST" жамиятининг термос ва озиқ- овқат контейнерларини иш- лаб чиқариш лойиҳалари

Хуршида ТўРСУНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

БОЛАЛАР УЧУН «ҚУВНОҚ ШАҲАРЧА»



Бекобод шаҳридаги болалар тарбия масканлари сони янги, замонавий мактабгача таълим муассасаси ишга туширилиши билан яна биттага кўпайди. Шаҳарнинг 14-даҳасида "Ўзметкомбинат" ОАЖ ҳомийлигида бунёд этилган 6-сонли бу муассасасига "Кувноқ шаҳарча" деб ном берилди.

Ушбу иншоотнинг фойдаланишга топширилгани шаҳримиз кичкинтойлари ва ота-оналар учун Соғлом бола йили совғаси бўлди, дейди муассаса раҳбари Н. Караматова. Бу ерда 330 нафар болажонларнинг тарбияланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, бу масканда кичкинтойларнинг вақтлари мазмунли ўтиши, таълим ва тарбия олиши учун ҳамма нарса муҳайё. Шинам ётоқхона, мусиқа, спорт ва ўқув заллари, тиббиёт ва мураббийлар хоналари кишининг хавасини келтиради. Замонавий жиҳозлар, ўйинчоқ ва ўқув куроллари етарли. 70 нафарга яқин ходимлар энага, тарбиячи ва мураббийлар болажонлар атрофида парвона.

"Кувноқ шаҳарча"да қувнаб ўсаётган кичкинтойлар мамлакатимизда ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Каримкул БОБОКУЛ ўғли.

Спорт

ФУТБОЛ
Жорий йилнинг октябр ойида Миянмада 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида бўлиб ўтadиган Осиё чемпионатида тийёргарлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Ереван шаҳрида Арманистон ёшлар терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Уйиннинг 58-дақиқасида Отабек Шукуров ҳисобни очган бўлса, 83-дақиқада Забиҳилло Ўринбоев рақиб дарвозасига иккинчи тўпни киритди.

Ёш футболчиларимиз арманистонлик тенгқурлар билан 14 июнь кунини яна бир бор куч синашди.



КУРАШ
Бишкек шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган аънанавий халқаро турнирда мамлакатимиз полвонлари битта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медални қўлга киритди.

Турнирнинг юнон-рум кураши баҳсларида катнашган полвонимиз Бесики Солдадзе 80 килограммгача курашчилар ўртасида олтин медалга сазовор бўлди. Ўз вази тоифасида Аҳмад Маҳмудов, Элмурод Тасмуродов ва Абдор Мамадалиев кумуш медал билан тақдирланди.

Халқаро турнирнинг бронза медаллари юнон-рум курашичи Оятилло Абдусаломов ва эркин кураш устаси Уасил Тлееновга насиб этди.

Б. АЙТМУРОВОВ, У.А муҳбири.



ЕНГИЛ АТЛЕТИКА
Хитой Тайпейида энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари бошланди. Ун олтинчи бор ўтказилаётган мазкур китъа чемпионатида Ватанимиз шарафини олти нафар умидли спортчимиз ҳимоя қилмоқда.

Мусобақаларнинг биринчи кунини 100 метр масофага югуриш баҳсида ҳамюртимиз Нигина Шарипова саралаш босқичида 12,2 сония, ярим финалда эса 12,1 сония натижага қайтди, финал босқичида чикди. Эндликда Нигина ҳал қилувчи босқичда Хитой, Япония, Сингапур, Қозғистон ва Хитой Тайпейи вакиллари билан Осиё чемпионатининг медаллари учун баҳс юритади.

400 метр масофага югуриш мусобақасида иштирок этаётган яна бир юртдошимиз Лилия Манасипова марра чизигига 56,06 сонияда етиб келиб, шахсий рекордини яхшилаш билан бирга, финал босқичига йўланма олди.

Уч ҳатлаб сакраш мусобақасида иштирок этган юртдошларимиз Оксана Молчанова ва Виктор Дирдина мос равишда 12 м 47 см ва 12 м 23 см натижани қайтди, 6- ва 7-ўринни эгаллашди.

«Туркистон-пресс».

ЭНГ ЯХШИ ОРКЕСТРЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат марказида "Мусиқа жанговар сафда" аънанавий кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг энг яхши ҳарбий оркестрлари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Куролли Кучларимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу Ватанимиз сархадлари дахлсизлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ҳарбий аънаналари мустаҳкамлашга қодир профессионал миллий армияни шакллантириш имконини берди.

Мусиқа маданиятининг бир қисми бўлган ҳарбий оркестрлар ҳарбий мусиқа аънаналарини асраб-авайлаш ва янада бойитишга хизмат қилмоқда. Улар Ватанимиз ҳимоячиларининг юкори жанговар кайфиятини сақлашга муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, ҳарбий оркестр жамоалари ижтимоий аҳамиятга молик кўлаб тадбирларда фаол қатнашиб, нафақат аънанавий саф мусиқаси ва вальслар, балки халқимиз орасида машҳур бўлган мусикаларни ҳам ижро этмоқда. Аънанавий "Мусиқа жанговар сафда" кўрик-танлови бунини яққол намоён этди.

Саралаш босқичларида голиб бўлган саккизта ҳарбий оркестр танловнинг якуний босқичида иштирок этди. Икки кун давомида иштирокчилар сафда ҳарбий юриш репертуаридан ўрин олган композицияларни ижро этди. Бунда ҳарқат уйғунлиги, ижро этилаётган асарлар мураккаблиги, шунингдек, бадий маҳоратга алоҳида эътибор қаратилди.

Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий оркестри голиб бўлди. Тошкент Олий умумкўшин кўмондонлик билим юрти ҳарбий мусиқачилари иккинчи, Чирчиқ гарнизони Офицерлар уйи жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Ҳар йили барчамаси учун муҳим бўлган ушбу кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўраш ва жамоамиз бадий маҳоратини оширамиз, дейди Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий оркестри бошлиғи М. Раимов. — Меҳнатимиз бесамар кетмади ва биз голиб бўлдик. Бу келгусидаги ижодий фаолиятимизга рағбат беради.

Танлов голиблари махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Роман БОНДАРЧУК, У.А муҳбири.

Янгийўл тумани татар миллий маданияти маркази ташаббуси билан "Алишер Навоий гулшани" маданият ва истироҳат боғида "Сабантуй – 2014" татар халқ миллий байрами ўтказилди.

Тадбирни марказ ходими Зухра Шестеркина олиб борди. Татар миллий мусиқаси садолари остида байрам тантанаси очилиб, ташриф буюрган меҳмонлар саҳнага чиқиди.

Татаристон Республикасининг Ўзбекистондаги вакилчилиги маданият бўйича маслаҳатчиси Наримон Каримов, Россиянинг Ўзбекистондаги ҳамдўстлиги ваки-

Ўзбекистон – умумий уйимиз

ГУЛШАН ИЧРА САБАНТУЙ

ли Владимир Авдонин ва бошқалар сўзга чиқиб, Янгийўл татар миллий маданият марказининг 15 йиллиги, "Сабантуй – 2014" байрами билан самимий кутлалар.

Байрамни туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг фольклор-этнографик халқ дастаси санъаткорлари бошлаб берди. Улар ўзбек халқ кўшиқларидан ижро этиб, рақсга тушдилар.



Чирчиқлик хушовоз ёш хонанда Гулнора Абдулина, Сергели туман татар миллий маданият маркази хонандалари ўз чиқишлари билан байрамга янада файз киритишди.

Байрамни ташкил этиш ва миллий пишириқларни тайёрлашда марказ аъзолари алоҳида жонқуярлик кўрсатишди. Шунингдек, ёстиқлар жанги, полвонлар кураши, тош кўтариши, кўзани яшириб қатиқ ичириши,

кўзачани синдириш, қопда югуриш, туҳумни қошиқдан туширмай манзилга етказиб келиш каби миллий ўйинлар намойиш этилди. Айниқса, М. Сакаев раҳбарлигидаги йигитлар ўртасида кураш мусобақаси ниҳоятда қизиқарли бўлди. Голиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Бу – қизик

ПОМИДОР ПЎСТЛОҒИДАН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

"Ford Motor" автомобиль корпорацияси "Heinz" озиқ-овқат компанияси билан ажабтовур ҳамкорлик алоқасини ўрнатди.



Гап шундаки, "Ford" кетчуп ишлаб чиқариш жараёнида чиқитга чиқадиган курак помидор пўстлоғидан аўтомашина учун пластик деталлар тайёрлашни йўлга қўймоқчи. Ушбу лойиҳа муаллифининг фикрича, биологик асосда пластик деталларни амалиётга татиқ этиш нефть маҳсулотларидан камроқ фойдаланиш, пировардига, компаниянинг атроф-муҳитга зарарини камайтириш имконини беради. Бу, ўз навбатида, автомобиль ишлаб чиқариш саноати ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг асосий мақсадимиз мустаҳкам, энгил, бугунги кун талабига тўла жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экологийга зарарини камайтиришдир, дейди "Ford" компанияси вакили Элден Ли. "Ford" билан ҳамкорлик, албатта, "Heinz" компанияси учун ҳам жуда қўл келади. Негаки, у ишлаб чиқаришдаги чиқиндилардан катта фойда кўра бошлайди.

Жиноятга жазо муқаррар

Нафс жилови бўш қўйилса, эгасининг қонига маймунлар йиғлаши аниқ. Бекобод туманилик Абдуҷалол Маъмуров нафс қутқусига учиб, "Осон пул топаман", деб яна суднинг қора курсиясини банд этди.

Мамлакатимиз қонунлари, айниқса, жиноий жавобгарликка тортувчи меъёрий ҳужжатлар миллий менталитетимиз, инсонийлик меъёрлари асосида ишлаб чиқилиб, уларда раҳм-шафқат, одамийлик тамойиллари устуворлиги боис, илгари Абдуҷалол Маъмуровга нисбатан тайинланган жазо энгиллаштирилган эди. Аммо, "Сийлаганни сийгир билмас" деганларидек, у бундай инсонпарварликни тунунмади. Қилган хатосини тунатиш, 5 нафар фарзандига бош бўлиб, тўғри йўл кўрсатиш ўрнига, яна ўзи адашди.

Аслида А. Маъмуровнинг озодаликка чиққанига кўп бўлмаган эди. Икки йилдан буён фарзандларини қанотига олиб, деҳқончилик қила бошлаганди. Даромади ҳам ёмон эмасди. Нима бўлди, яна эски "касали қўзғаб", гиёҳванд моддалар савдосидек жирканч иш эвасига келадиган жарақ-жарақ

пуллари кўмсади. Кетмон чопиб беани оғритгандан кўра, "қора дори бизнес"ни афзал кўрди. У режасини амалга ошириш учун ўзи яшаётган "Даҳварзин" фермерлар уюшмасида туғилиб ўсган, кейин-

бўлишини айтиб, 15 октябрда учрашнинг келиши. Шундан сўнг, А. Маъмуров рўзгорига яраб турган сигирини сотиб, келишилган вақтда жинорий шериги билан учрашди. Аммо режа бироз ўзгартирил-

моддаларни уйидаги молхонага яхшилаб беркитди. Кечқурун, тахминан соат 18 ларда мижоз билан Зафар шаҳарчасида учрашди. Унга бўлган воқеани, "оқи"га қўшиб "чарс" ҳам олиб келганини айтиб, ҳаммаси 1750 АҚШ доллари бўлишини ҳам эслабди ўтди. Мижоз рози бўлди ва "бюртма"ни Бўкага олиб боришини тайинлади. 18 октябр кунини белгиланган жойда учрашди. А. Маъмуров жуда хурсанд эди. Бир неча соатдан сўнг 750 АҚШ долларилик фойда олишини уйлаб, қувончи ичига сиғмаётганди. Аммо, унинг хурсандчилиги узоққа чўзимлади. Вилоят миллий хавфсизлик хизмати ва божхона бошқармасининг контрабандага қарши курашиш бўлими ходимлари ашъвий далиллар билан қўлга олача, уйлағанлари хомхал эканини тунуниб этди.

СИЙЛАГАННИ СИГИР БИЛМАС



чалак Бўка туманига қўчиб кетган мижозга "катта иш"га қўшилишини тақдир қилди. У рози бўлган, ўтган йилнинг 13 октябрида тожикистонлик Бобо исмли эски таниши билан телефонда гаплашиб, 100 грамм "героин" топиб беришини илтимос қилди. Бобога бунинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ шекилли, дарров кўна қолди. Фақат, хизмат ҳақи 700 АҚШ доллари

ди. Яъни, тожикистонлик шоввоз бюртмага қўшимча 450 грамм "ташиш" ҳам олиб келганди. "Мол" қанча кўп бўлса, даромад ҳам шунга яраша бўлишини яхши билган А. Маъмуров 1050 АҚШ долларини тош солинган пакет билан чегара сим тўсиғидан ошириб, "бюртма"ни ҳам шу зайдда қабул қилди. Ишнинг осон битганидан хурсанд бўлиб, гиёҳванд

Жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди, Оққўрғон тумани ИИБ бонисидаги очик сайёр суд мажлисида Абдуҷалол Маъмуровнинг жиноий иши кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбдор деб топилиб, узоқ муддатта озодақдан маҳрум қилинди.

Аваз ИСРОИЛОВ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ
Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 18 июнь кунини Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кенаси 20-22, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.
Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кенаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.
Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кенаси 13-18, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Рассом хандаси



— Экологик тоза ва саломатлик учун ўта фойдали транспорт воситаси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Мабуотчилар
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Мабуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ